



ХУДУДИЙ КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a33

Тошалиева Саодат Тохировна -
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) Термиз давлат университети

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик фаолиятида келгусида рўй бериши мумкин бўлган ҳодиса ва жараёнлар ҳолати эконометрик моделлаштириш асосида таҳлил этишга қаратилган бўлиб, унда ЯҲМ, шунингдек, кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғлиқлик, GRETЛ эконометрик дастурий пакетининг ARIMA (Сирғалувчи ўртачага интеграллашган авторегрессион модель) модели асосида натижавий ва омил кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик миқдор ва сифат жиҳатдан илмий асосланган ҳолда баҳоланган, сценарийли прогноз параметрлари аниқланган, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: ЯҲМ, кичик тадбиркорлик, кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми, GRETЛ эконометрик дастурий пакети, ARIMA модели, тренд усули, сценарийли прогноз усули.

ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕГИОНАЛЬНОГО МАЛОГО БИЗНЕСА

Тошалиева Саодат Тохировна -
Доктор философии по экономическим наукам (PhD)
Термезский государственный университет

Аннотация. Данная статья посвящена анализу на основе эконометрического моделирования состояния явлений и процессов, которые могут произойти в будущем в деятельности малого предпринимательства в Сурхандарьинской области, в которой ВРП, а также взаимосвязь между объемом производства малого предпринимательства на основе модели ARIMA (авторегрессионная модель, интегрированная в скользящую среднюю) эконометрического программного пакета GRETЛ, анализирует взаимосвязь между результативными и факторными показателями в количественном и качественном прогнозе, разработаны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: ВРП, Малый бизнес, Объем производства малого бизнеса, эконометрический программный пакет GRETЛ, модель ARIMA, метод тренда, Метод сценарного прогноза.

FORECASTING THE PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF REGIONAL SMALL BUSINESS

Toshaliyeva Saodat Tohirovna -
Doctor of philosophy in Economic Sciences (PhD)
Termez State University

Annotation. This article is devoted to the analysis on the basis of econometric modeling of the state of phenomena and processes that may occur in the future in the activities of small businesses in Surkhandarya region, in which GRP, as well as the relationship between the volume of production of small businesses based on the ARIMA model (autoregressive model integrated into the moving average) of the econometric GRETЛ software package, analyzes the relationship between the effective and factor indicators in quantitative and qualitative forecasting, proposals and recommendations have been developed.

Keywords: GRP, Small Business, Small Business production volume, GRETЛ econometric software package, ARIMA model, trend method, scenario Forecast Method.

Кириш. Замонавий иқтисодиёт шароитида кичик тадбиркорлик субъектлари рақобат-бардошлиги корхона фаолиятини прогнозлаштириш билан боғлиқ бўлади. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти мақсадларини олдиндан аниқ кўра олиш, ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига тезда мослаша олиш, моддий ва инсон ресурсларини тўғри тақсимлаш орқали тадбиркорлик фаолияти барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти фармонининг туб моҳияти ҳам миллий

иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ЯИМдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, тадбиркорликни янада ривожлантиришни назарда тутади [1].

Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда худудда ЯҲМ ва кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда вақтли қаторлар кетма-кетлигини шакл-

лантиришга асосланган эконометрик моделлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобла-нади.

Қайд этиш жоизки, келгусида рўй бериши мумкин бўлган ҳодиса ва жараёнлар ҳолатининг истиқболини аниқлаш прогнозлаштириш асосида амалга ошириладиган илмий асосланган ва сифатли маълумотлар таҳлилини назарда тутади. Бунда прогнозлаш усулини танлаш мухим саналади. Прогнознинг аниқлиги прогнозлаш усулини баҳолаш мезонидир. Прогноз аниқлигини ошириш мақсадида бугунги кунда прог-нозлаштириш усуллари такомиллаштириб бо-рилмоқда.

Кичик тадбиркорлик субъектлари сало-ҳиятини ривожлантириш истиқболларини бел-гилаш прогнозлаш орқали амалга оширилади. Бунда асосий мақсад кичик тадбиркорлик субъ-ектлари ривожланиш хусусиятларини акс этти-рувчи кўрсаткичлар ва илмий усуллардан фой-даланган ҳолда келгусидаги ривожланиш истиқболларининг энг мақбул йўлларини то-пишдан иборат. Худудий кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини прогнозлаштириш узоқ, ўрта ва қисқа муддатли даврлар бўйича амалга оширилади. Бунда иқтисодиётдаги мав-жуд ҳолат ҳисобга олиниб, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти бозор стратегиясини ишлаб чиқиш асосида худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш модели шакллантирилади. Вилоят тадбиркорлик субъектлари сало-ҳиятини прогноз қилишда прогнозлаш усулини тўғри танлаш мухим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бугун-ги кунда тадбиркорликка оид турли даражадаги давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиша-да кичик тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаш зарур восита си-фатида долзарб аҳамият касб этмоқда. Тадбир-корлик фаолиятини ривожланишида бошқа-рув қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ таваккалчилик турлари ва даражасини баҳо-лашнинг тўғрилиги, аниқлиги биринчи ўринда турувчи масалалардан саналади. Келажакдаги вазиятларни моделлаштириш орқали вужудга келиши мумкин бўлган хавфни аниқлаш имко-ни пайдо бўлади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фао-лияти ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашнинг икки хил усули мавжуд: ўртача геометрик усулда ҳисобланувчи интеграл кўр-саткичлар тизими ва иқтисодий-математик моделлаштириш усули.

Бундай ёндашувларни кўплаб илмий тад-қиқотларда кўришимиз мумкин. Ушбу тадқиқот ишларида кичик тадбиркорлик ривожланиши-даги асосий муаммо ва афзалликларни баҳолаш-га имкон берувчи турли иқтисодий кўрсаткич-

лардан фойдаланилган. А.Е.Кремин томонидан ишлаб чиқилган услубиёт тадбиркорлик субъ-ектларининг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ри-вожланишига кўшган ҳиссасини рейтинг асоси-да баҳолаш имконини беради [4].

Айrim тадқиқотларда кичик тадбиркор-лик самарадорлигини баҳолашнинг кўп омилли регрессион таҳлил тенгламасидан фойдаланил-ган [5]. Лекин ушбу тадқиқотларда ЯҲМ ва ки-чик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми ўрта-сидаги боғлиқликни динамик эконометрик мо-деллар ёрдамида баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмаган.

О.Н. Булакина давлат ва маҳаллий ҳоки-мият идораларининг кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқилган давлат дастурлари самарадор-лиги ва уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини оширишга кўшган ҳиссасини баҳолашда кичик тадбиркорликнинг ҳолати ва ривожланишини ифодаловчи интеграл индекслардан фойдала-нишнинг аҳамияти юқорилигини таъкидлай-ди[3].

Бугунги кунда кичик тадбиркорлик субъ-ектларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлани-шини эконометрик моделлаштириш ва прогноз параметрларини ишлаб чиқиша Алмон усули аҳамиятли бўлиб, у лаг тузилмасининг кўп ҳад-ли апроксимациясини ўз ичига олади. Бу эса тузилма лаг параметрлари коэффициентлари вектори кўп ҳадлилик даражаси ва прогноз па-раметрлари сонини камайтиради. Полиномлар ёрдамида тавсифланадиган лаг тузилмаси Ш.Алмон номи билан Алмон лаги деб юрити-лади [2].

Модель тадқиқ этилаётган иқтисодий субъект ривожининг муқобил стратегиялари устунлик ва камчиликларини аниқлаш жа-раёнини тасвирлаш, омилларни ҳар томонлама ўрганиш учун алмаштирилмайдиган восита бў-лиш билан бирга салбий тенденция ва ҳолат-ларни бартараф этиш чора ва ўйли ҳам ҳисобла-нади. Тадбиркорлик фаолияти ривожини модел-лаштириш ва прогнозлашнинг аҳамиятини эса куйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

- иқтисодий динамикадаги доимий тебра-нишлар шароитида оқилона бошқарув қарорла-рини қабул қилишда ўзгарувчан бозор динами-каси, ички ва ташқи бозордаги рақобатчилар хулқ-атворини тўғри баҳолаш зарурати;

- прогнозлашни узоқ муддатли режа ва дастурларни амалга оширишнинг биринчи бос-қичи деб қаралишига сабаб такрор ишлаб чиқа-ришнинг асосий омиллари ҳисобланувчи кўпги-на жараёнлар юқори даражадаги ноаниқликка эга эканлигидир.

Прогнозлаштиришга оид тадқиқотлар на-тижалари кўрсатишича, ягона прогнозлашти-

риш усули мавжуд эмас, амалиётда улар ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи усуллардан таркиб топади: экстраполяция, моделлаштириш, экспертлар фикри каби элементларни қамраб олади [6].

Бизга маълумки, эконометрик прогнозлаш усуллари турли кўрсаткичлар, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий прогноз параметрларини аниқлаш ҳамда айрим формал статистик мезонлар асосида олинган прогнозларнинг сифатини таҳлил қилиш имконини берувчи аналитик усуллар туркумига киради. Прогнозлаш олинган маълумотлар ёрдамида эҳтимоллиги кутилаётган айрим математик моделлар асосида ҳисобланган кўрсаткичларнинг келгуси қийматларини баҳолаш натижасидир. Моделлаштириш жараёнида олинган натижага ўрганилаётган жараён тавсифи ҳақидаги фикрнинг якуний ифодасини англатмайди, балки моделга кири-тилган омиллар сақланиб қолса, кўрсаткич қандай қийматларни қабул қилишини кўрсатади. Шунингдек, прогноз учун асос қилиб олинган модель турли даражадаги мезонлар талаби бўйича энг мақбул деб ҳисобланиши керак. Бу олинган прогноз қийматларни кузатилаётган кўрсаткичнинг келажакдаги ҳолати ҳақида энг яхши натижани акс эттиришини англатади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий параметрларини прогнозлаштириш жараёнида энг мақбул прогноз усулларини танлаш алоҳида аҳамиятга эга. Кичик тадбиркорлик съектлари салоҳиятини таҳлил қилишда кўпинча индукция, дедукция усулларидан кенг фойдаланилади. Иқтисодий жараёнларни прогнозлашда индукция усулидан етарли ахборот ёки узоқ муддатли статистик маълумотлар бўлмаган шароитда эҳтимолий натижалар олишда фойдаланилади.

Бозор ҳолати ҳақида ишончли ва етарли маълумот бўлмаган шароитда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида катта ноаниқлик вужудга келганда, келгусидаги бизнес соҳаси ҳолати бўйича керакли прогноз маълумотларни олишларида экспертли баҳолаш яхши натижа бериши мумкин. Шунинг учун тадбиркорлик соҳаси ривожланишини прогноз қилишда сиёсий ва ташки иқтисодий омилларнинг кучли таъсири остида бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Кичик тадбиркорлик фаолияти ривожланиши баҳолашга йўналтирилган индивидуал эксперт усуллари мустақил эксперталарнинг аналитик баҳолашларни ишлаб чиқишлирага асосланади.

Мавжуд анъанавий прогнозлаш усулларини ўрганиш кўп ҳолларда улар миқдорий ахборотни қайта ишлашга ва тизим қисмларини алоҳида кўриб чиқишига асосланганлигини кўриш

мумкин. Бугунги кунда зарур маълумот манбаларининг етишмаслиги ва ташки муҳит беқарорлиги шароитида тадбиркорлик жараёнида улардан фойдаланиш етарли даражада самара бермаслиги мумкин.

1970 йилларда "Рим клуби" халқаро ташкилоти аъзолари Д.Медоуза, М.Месарович ва Э.Пестеля компьютер моделлари ёрдамида иқтисодий ривожланиш тенденцияларини прогноз қилдилар. Фон Рейбниц фикрича, улар биринчи марта мураккаб муносабатлар ва ўзаро алоқадорликни аниқ кетма-кетлиқда очиб беришди [8].

Сценарийли прогнознинг анъанавий усулдан асосий фарқи шундаки, тадбиркорлик субъекти хатти-ҳаракатлари битта эмас, балки бир нечта натижаларга асосланади [7].

Кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини прогнозлаш сифатини ошириш мақсадида мураккаб иқтисодий жараёнлар ҳолатини олдиндан баҳолаш имконини берувчи сценарийли прогнозлаш усулидан фойдаланишина таклиф этамиз. Турли хил омиллар таъсири билан характерланадиган вазиятларда сценарийли прогнозни қўллаш унинг самарали эканлигини кўрсатди. Бугунги кунда ушбу усул кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ташки ва ички муҳитини ҳамда уларнинг келгусидаги барқарор ривожланишини чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот ишининг методологик асоси эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда ЯҲМ ва кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи эконометрик модель ишлаб чиқиш, бунда *GRET* эконометрик дастурий пакетининг *ARIMA* (*Сирғалувчи ўртага интеграллашган авторегрессион модель*) моделидан фойдаланиб, сценарийли прогноз усулидан фойдаланган ҳолда натижавий ва омил кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни миқдор ва сифат жиҳатдан илмий асосланган ҳолда баҳолаш ҳамда қурилган эконометрик модель асосида кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажмининг бир бирликка ошиши ЯҲМ ҳажмининг келгуси даврдаги қийматларига қандай таъсири кўрсатишини аниқлашдан иборат. Бунда ЯҲМ ва кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги муҳим боғлиқликни аниқлаш, ушбу боғлиқликнинг миқдорий параметрларини баҳолаш, уларнинг сценарийли прогнозлаш усулларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Сценарийли прогноз усулиниң ўзига хос хусусияти шундаки, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бир неча эҳтимолий ривожланиш варианtlарини бир вақтда ўрганишга имкон яратади. Сценарийли прогнозлаш методология-

си асосчиларидан бири Г.Каннинг фикрича, муайян жараёнларни прогноз қилишда оддий экстраполяция усуллари яхши самара бермаслигі мүмкін [8]. Сценарий усулидан фойдаланиш тадбиркорлик субъектларига иқтисодий динамикадаги ўзгарувчан вазиятларни холис баҳолаш, вужудга келиши мүмкін бўлган тадқидлар, барқарор фаолият соҳаларини аниқлаш, шунингдек, иқтисодиётдаги ўзгарувчан вазиятларга мослашиш имкониятини беради. Прогнозлаш иқтисодий тизимлар ривожланишини режалаштиришнинг мураккаб жараёни бўлиб, ҳозирги ва ўтган давр омилларини келгусидаги эҳтимоликлар билан боғлаш имкониятини назарда тулади.

Таҳдил ва натижалар. Маълумки, иқтисодий таҳдил ва прогнозлаштиришда моделлаштиришнинг кенг миқёсда қўлланилиши қўйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

биринчидан, ўта мураккаб юқори даражада абстракт бўлган иқтисодий ўзгарувчи ва объектларнинг бирмунча муҳим ва аҳамиятли ало-


қаларини ажратиш ва формал ёзиш имконияти мавжуд;

иккинчидан, аниқ ифодаланган асослар, бирламчи маълумотлар ва дедукция усуллари билан муносабатлардан муносабатлар модели ва статистик параметрларга киритилган адекват тасаввурларга мос хуласалар олиш мүмкін;

учинчидан, математика ва статистика усуллари индукция усуллари билан тадқиқ этилаётган обьектга юқори даражада мос келувчи ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик кўриниши ва шакли ҳақида янги билимлар олишни таъминлайди;

ва ниҳоят, тўртинчидан, математика тилини ишлатиш иқтисодий назария қоидларини аниқ ва компакт тушунтириш, унинг моҳияти ва хуласаларини ифодалаш имконини беради.

Сценарийли прогнозлаш усуллари Фарб мамлакатлари (Германия, АҚШ ва ҳоказо)да кенг тарқалган. Сценарийли прогнозлаш самарадорлиги бир неча омиллар билан изоҳланади (1-расм).



1-расм. Сценарийли прогнозлаш усули самарадорлигини баҳолаш бўйича даражалари

Манба: муаллиф ҳисоб-китоби.

Сценарийли прогнозлаш тадбиркорлик субъектларига келгусида юзага келиши мүмкін бўлган турли хил инқизорзли вазиятларда амалга ошириладиган стратегик режаларни муовофиқлаштириш ва олдиндан тайёргарлик кўриш имкониятини беради.

Сценарийли прогнозлаш усулидан фойдаланган ҳолда худудий кичик тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш истиқболларининг кейинги беш йил учун прогноз қийматларини ишлаб чиқишига қарор қилдик. Прогноз қийматларини ишлаб чиқишида кенг тарқалган усуллардан бири тренд усули ҳисобланади, бироқ у фасат вақтга боғлиқ бўлиб, ўзгаришларни тўлиқ ифодалаш имкониятига эга эмас, бундан ташқа-

ри кўрсаткичга мос модель турини аниқлаш ҳам мураккаблик касб этади. Бундан ташқари таъсир қилувчи омиллар асосида кўп омилли ишлаб чиқариш функциясини аниқлаш ҳамда омиллар ўзгаришига боғлиқ ҳолда прогноз кўрсаткичлари ҳам амалиётда кенг қўлланилади. Бугунги кунда эконометрик дастурий пакетлардан фойдаланиш масаласи оммавий тус олганлиги муносабати билан, ўтказган тадқиқотимизда GRETЛ дасурий пакетининг ARIMA (Сирғалувчи ўртачага интеграллашган авторегрессион модель) модели асосида прогноз кўрсаткичларини аниқлаш масаласига ҳам эътибор қаратдик.

Сурхондарё вилоятининг ЯҲМи ва кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси

Йиллар	t	Худудий кичик тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм) – Y	1 тартибли лагли худудий кичик тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм)
2000	1	64,8278	
2001	2	124,0932	64,8278
2002	3	175,8195	124,0932
2003	4	217,961	175,8195
2004	5	249,342	217,961
2005	6	310,04	249,342
2006	7	606,57	310,04
2007	8	780,16	606,57
2008	9	1029,17	780,16
2009	10	1285,69	1029,17
2010	11	2434,00	1285,69
2011	12	3850,22	2434,00
2012	13	4775,81	3850,22
2013	14	5510,37	4775,81
2014	15	6863,83	5510,37
2015	16	8524,74	6863,83
2016	17	9500,09	8524,74
2017	18	11307,45	9500,09
2018	19	14939,92	11307,45
2019	20	17511,72	14939,92
2020	21	19207,15	17511,72

Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

ARIMA моделида (p,d,q) тартиби мавжуд бўлиб, бунда p авторегрессия параметрини, d интеграциялаш қисмини, q сирғалувчи ўртача параметрини ифодалайди. Амалий эконометрик тадқиқотларда ушбу тартибининг қўйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- 1) $p=0, d=1, q=1$
- 2) $p=0, d=2, q=2$
- 3) $p=1, d=1, q=1$
- 4) $p=1, d=1, q=0$
- 5) $p=2, d=1, q=0$

Юқорида келтирилган тартибларнинг ҳар бири бўйича компьютер дастурида таҳлиллар амалга оширилиб, прогноз модели учун энг оптимали танланади.

Бироқ эконометрик таҳлилни амалга оширишда, энг аввало, маълумотлар тури ва уларга мос усувлардан фойдаланиш масалаларига эътибор қаратиш талаб қилинади. Тадқиқотда вақтли қаторлардан фойдаланилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда прогноз кўрсаткичларини

ишлаб чиқиша ARIMA моделларидан фойдаланишга қарор қилдик. Тадқиқот доирасида Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган жами маҳсулотларини 2026 йилгача бўлган прогноз қийматларини ишлаб чиқиши мақсад қилинган. Бунинг учун 2005-2020 йиллар маълумотларидан фойдаланилди.

Аниқланган маълумотларни стационарликка текшириш учун Gretl дастуридан фойдаландик. Натижаларга кўра, барча ҳолатларда биринчи даражали фарқи старционар эканлиги аниқланди. Шу сабабдан прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқиша ARIMA (1 1 1) кўринишидаги модельнинг натижалари бошқаларга нисбатан адекват эканлиги аниқланди.

Аввало, жами кичик тадбиркорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз қийматларини ишлаб чиқиши учун тузилган модель натижаларига эътиборни қаратиб ўтамиз (1-жадвал). Мазкур модельнинг математик кўришишини қўйидагича ёзиш мумкин.

$$\Delta KBXT = 1281.99 + 0.29 * KBXT_{t-1} + 0.85 * \varepsilon_{t-1} \quad (1)$$

Бу ерда: $KBXT$ – Сурхондарё вилоятида ишлаб чиқарилган кичик тадбиркорлик маҳсулотларининг ўзгармас нархлардаги қиймати (2005 йил нархларида).

Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (1 1 1) модели натижалари

ARIMA, использованы наблюдения 2006-2020 ($T = 15$)

Зависимая переменная: (1-L) KBXT

Стандартные ошибки рассчитаны на основе Гессиана

	Коэффициент	Ст. ошибка	z	P-значение	
Const	1281.99	369.268	3.472	0.0005	***
phi_1	0.285081	0.271514	1.050	0.2937	
theta_1	0.850121	0.259998	3.270	0.0011	***

Среднее зав. перемен	1259.811	Ст. откл. зав. перемен	950.6140
Среднее инноваций	18.48404	Ст. откл. инноваций	579.1497
Лог. Правдоподобие	-117.6050	Крит. Акаике	243.2100
Крит. Шварца	246.0422	Крит. Хеннана-Куинна	243.1799

	Действительная часть	Мнимая часть	Модуль	Частота
AR				
	Корень 1	3.5078	0.0000	3.5078
MA				
	Корень 1	-1.1763	0.0000	1.1763
				0.5000

Юқорида келтирилган 2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, моделнинг аниқланган барча коэффициентлари адекват. Хусусан, Акайке, Шварц, Ханнан-Куинн мезонлари моделни амалиётга татбиқ қилиш учун қўйилган талабларига мос келишини тасдиқлай-

ди. Келтирилган ижобий натижаларга асосланган ҳолда ушбу модель асосида Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик маҳсулотлари ҳажмининг 2026 йилга қадар бўлган прогноз қийматларини ишлаб чиқдик (3-жадвал).

3-жавдал


Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (1 1 1) модели асосидаги прогноз натижалари

Для 95% доверительных интервалов, $z (0,025) = 1,96$

Набл.	Кичик тадбиркорлик	Предсказание	Ст. ошибка	95% доверительный интервал
2022	не определено	22490.3	1365.50	(19814.0, 25166.7)
2023	не определено	23817.8	1972.93	(19950.9, 27684.7)
2024	не определено	25112.8	2464.82	(20281.8, 29943.7)
2025	не определено	26398.4	2881.58	(20750.7, 32046.2)
2026	не определено	27681.5	3247.24	(21317.0, 34046.0)

Прогноз натижаларига кўра, 2026 йилга бориб Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармас нархлардаги қиймати 27681,5 миллиард сўмни ташкил қиласди. Яъни 2020 йилга нисбатан 1,44 баробарга ошгани ҳолда йиллик ўртacha ўсиш суръати 5,3 фойзни ташкил қилиши аниқланди. Мазкур прогноз на-

тижаларининг қанчалик даражада ишончли эканлигини ифодалаш мақсадида 2-расмда график шаклидаги кўринишими келтириб ўтдик. Унда ҳақиқий қийматлар билан модель асосида баҳоланган қийматларнинг бир-бирига яқинлиги прогноз кўрсаткичлари ишончлилигини асослашга хизмат қиласди.



2-расм. Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми реал қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ARIMA (1 1 1) модели асосидаги прогноз натижалари

4 -жадвал

Сурхондарё вилояти кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажмининг вақтли қаторлар бўйича кўп сценарийли прогнози

Йиллар	Иккинчи тартибли полиномал функция $y = 89.583*t^2 - 274.07*t + 730.87$ $R^2 = 0.9942$	Даражали функция $y = 172.67*t^{1.6053}$ $R^2 = 0.9521$	ARIMA (1,1,1)
2021	21961.167	16310.1	21315.7
2022	24822.502	17877.46	22490.3
2023	27863.003	19498.45	23817.8
2024	31082.67	21171.92	25112.8
2025	34481.503	22896.84	26398.4
2026	38059.502	24672.21	27681.5

Манба: муаллиф ҳисоб-китоби.

5-жадвал

Сурхондарё вилояти кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми динамикасини эконометрик моделлар ёрдамида прогнозлаш (2022-2026)

Кўрсат кичлар	Прогноз моделлари	Йиллик ўсиш суръатлари, %					
		2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	2026 й.
Кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми	Иккинчи тартибли полиномал функция	1.14	1.13	1.12	1.12	1.11	1.10
	Даражали функция	0.85	1.10	1.09	1.09	1.08	1.08
	ARIMA(1,1,1)	1.10	1.06	1.06	1.05	1.05	1.04

Манба: муаллиф ҳисоб-китоби.

Хулосалар ва таклифлар. Амалга оширилган хисоб-китобларга кўра, биринчи сценарийда кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми йиллар кесимида ўртacha ўсиш суръати 12,8 фоизни ташкил қиласди. 2025 йилга келиб, иқтисодий ўсиш суръати олдинги йиллардаги энг юқори прогноз кўрсаткичига нисбатан 1,03 марта кам. Бу эса бевосита кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири этувчи омилларнинг ўсиш даражасига эътибор қаратиш лозимигини келтириб чиқаради.

Иккинчи сценарий кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми йиллар кесимида ўртacha ўсиш суръати 4,7 фоизни ташкил қиласди. 2025 йилга келиб, иқтисодий ўсиш суръати олдинги йиллардаги энг юқори прогноз кўрсаткичига

нисбатан 1,01 марта кам. Прогноз кўрсаткичларига асосан биринчи сценарийдаги ўсиш суръатларига нисбатан паст даражада ўсиш кузатилилади.

Учинчи сценарийда кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажми бўйича прогноз кўрсаткичи Gretl дастурий пакети асосида юқори даражада аниқликда хисоб-китоб қилинганлиги муносабати билан энг ишончли прогноз қийматларини тақдим қилиб турибди. Шу муносабат билан Сурхондарё вилоятида кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳажмини эконометрик дастурий пакет асосида прогноз қилиш юқори даражада аниқликдаги стратегик йўналишларни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони.
2. Almon S. The distributed lag between capital appropriations and capital expenditures. // *Econometrica*. Vol. 33. 1965. № 1 (January). C. 178-196.
3. Булакина О.Н. Методика комплексной оценки предпринимательского потенциала муниципального образования. // *Известия ИГЭА*. 2009. № 4 (66). С. 63-67.
4. Кремин А.Е., Мазилов Е.А. Оценка влияния малого бизнеса на социально-экономическое развитие регионов. // Вопросы территориального развития. 2018. № 1 (41). DOI: 10.15838/tdi.2018.2.41.2
5. Лускатова О.В., Гленкова Е.О., Шалова В.А. Методический подход к экономической оценке влияния предпринимательства на динамику развития региона. // Фундамент. исслед. 2013.№ 2-3. С. 594-598.
6. Нам А.К. Стратегическое прогнозирование предпринимательской деятельности в молочно-продуктовом подкомплексе АПК. Экономика и земельные ресурсы. 2012. С. 48.
7. Нам М.А. Особенности сценарного планирования. // Известия Санкт-Петербургского государственного аграрного университета. 2012. № 26. С. 257-260.
8. <http://www.lampsacus.com/documents/StrategicForesight.pdf> - D. Miltzner and G. Reger. Advantages and disadvantages of scenario approaches for strategic foresight.